



THE ROLE OF FREEDOM AND RESPONSIBILITY IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF A PERSON

Ikhtiyar Saipidinovich Ergashev

senior lecturer, candidate of philosophy

Andijan Faculty of Tashkent State University of Economics

Andijan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Personality, maturity, spirituality, freedom, responsibility.

Abstract: This article analyzes and discusses the role of freedom and responsibility in the spiritual development of a person.

Received: 02.06.24

Accepted: 04.06.24

Published: 06.06.24

ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ЭРКИНЛИК ВА МАСЪУЛИЯТНИ ТУТГАН ЎРНИ

Ихтиёр Сайпидинович Эргашев

катта ўқитувчи, фалсафа фанлари номзоди

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Андижон факультети

Андижон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шахс, камолот, маънавий, эркинлик, масъулият.

Аннотация: Ушбу мақолада шахс маънавий камолотида эркинлик ва масъулиятни тутган ўрни мавзуси таҳлил ва муҳокама этилган.

РОЛЬ СВОБОДЫ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ДУХОВНОМ РАЗВИТИИ ЧЕЛОВЕКА

Ихтияр Сайпидинович Эргашев

старший преподаватель, кандидат философских наук

Андижанский факультет Ташкентского государственного экономического университета

Андижан, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Личность, зрелость, духовность, свобода, ответственность.

Аннотация: В данной статье анализируется и обсуждается роль свободы и ответственности в духовном развитии человека.

КИРИШ

Инсониятнинг маънавий камолоти имкониятлари чексиздир. Бу чексизлик инсоннинг табиати, у яшаётган жамиятнинг имкониятлари билан белгиланади. Жамият тарақиёти жараёнида такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлоқий, ҳуқуқий бурч ва масъулият билан боғланган манфаатлар маънавий камолотнинг янги муаммоларини келтириб чиқараверади. Бундан маълум бўладики, шахс маънавий камолоти жамият тарақиётининг ҳал қилувчи омилidir. Бу жараёнда эркинлик ва масъулиятни тутган ўрни масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Инсон ҳаёти ғоят мураккаб алоқадорликлар ва ўзаро тақозоликлар орқали кечиши, муносабатлари ғоят хилма-хил соҳаларда намоён бўлиши туфайли унинг эркинлиги ҳам кўп қирралидир. Ана шу боис, “Эркинлик нима?”, - деган саволга фалсафа тарихида уни воқелик олами ривожланишининг заруриятлари билан боғлаш кўзга ташланади.

Аксарият адабиётларда эркинлик деганда кишилар фаолияти билан табиат ва жамиятнинг объектив қонуниятлари ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганиш асосида фаолият олиб бориши ва ҳаёт кечириш зарурлиги тушунилади. Стоиклар инсоннинг эркин хоҳиш-иродаси яхши ишларда мужассамлашади деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, кейинчалик эркинликнинг ижтимоий-ахлоқий ва теологик талқинларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Масалан, Августин “Инсон субъектив тарзда эркин ҳаракат қилади, лекин унинг барча ҳаракатларини у орқали Худо бажаради”, деб ҳисоблаган.

Абу Наср Форобий яшаган вақтда зарурият ёки зўрлик ҳақидаги назария кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳисобланар эди. Аллома шу вақтгача қўлланилмаган «ихтиёр» истилоҳини илмий адабиётга олиб кириш билан, инсоннинг ирода эркинлигини унинг тақдирига таъсир этиши мумкинлиги масаласини ўртага ташлаб, ҳақиқатда кенг ёйилган назарияга очикдан-очик қарши чиқди. У бундай фикрни ёйиш билан бирга кишиларни шунга даъват этдики, инсон табиий, ирсий, синфий тўсиқларга қарамасдан ўз билганича, ўзини қайтадан шакллантириши ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам маданий жамиятнинг «етук» ва «баркамол» аъзоси бўлиши мумкин.

Абу Райҳон Беруний фикрича, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсоннинг ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди. Мутафаккир инсон бошқа одамларнинг бахт-саодати ҳақида доим ўйлаши керак дейди ва шундай ёзади: “Муайян вазифаларни бажариш зарурати инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қонидасидир”. Бу фикрни давом эттириб инсоннинг кадр-қиммати, эркинлиги ва юксак масъулиятини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланишидан иборат эканлигини таъкидлайди. Зеро, инсон ўз эркинлигига асосан меҳнат туфайли

эришади. Бинобарин, у «Инсонларнинг мақсад ва ниятлари ҳар хил бўлгач, санъат ва ҳунар ҳам турлича бўла бошлайди» – дейди. Бу эса меҳнатнинг тақсимланишига олиб келади, деган фикрни олға суради.

Ибн Бажжа инсонлар яшайдиган жаҳоннигина ягона ҳақиқий олам, деб билди ва ундаги ижтимоий тузумни ақл асосида бошқаришга чақирди. Унинг фикрича, инсоннинг ўз табиатида унинг ахлоқий ҳатти-ҳаракати ётади. Ақл воситасида бошқариладиган фаолият, эркин фаолият бўлиб, ақлга мувофиқ келадиган мақсад ва масъулиятни вужудга келтиради. Масалан, бирор киши тошга қоқилиб кетгани учун, уни олиб парчалай бошласа, унинг бу ҳатти-ҳаракати болаларча бетамизлик ҳисобланади, аммо агарда у бошқа одамлар ҳам қоқилиб кетмаслиги учун бу ишни қилса, унинг бундай ҳатти-ҳаракатини инсонийлик сифатида баҳолаб, ақлга мувофиқ келадиган фаолият дейиш мумкин.

Саъдуддин Тафтазоний дунёқарашдаги диққатга сазовор масалалардан бири қазо ва қадар ҳамда ирода эркинлигидир. Маълумки, ирода эркинлиги масаласида кўплаб файласуфлар ҳар хил фикрлар баён этишган ва инсон ўз хулқ-атворида эркинми, яъни ихтиёри ўз қўлидами, деган саволга жавоб топишга интиланлар.

Саъдуддин Тафтазоний ўзининг «Таҳзиб ал-мантиқ ва ал-калом» асарида инсоннинг хулқ-атворидаги ирода эркинлиги масаласига кенгроқ тўхталади. Унинг фикрича, ҳар қандай олижаноблик ва хайрли ишлар ўз табиатига кўра худонинг моҳиятидан келиб чиқади ва у ҳамма нарсанинг холиқи сифатида хайр-шарофатнинг яратганлиги сабабидан инсонларни ёмон хулқ-атвордан тийилиб туришга чорлайди. Ёмон хулқлар, гуноҳлар инсонга хос нарсалар бўлмасдан, улар фақат кишиларни синаш учун яратилгандир. Шундай қилиб, унинг фикрича, худо–ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади, яъни шарафли, хайрли фаолият кўрсатишни ёки номатлуб машғулотлар билан гуноҳга ботишни, гуноҳга ботиш эса жазога тортилишни келтириб чиқаради.

Юқоридаги фикрлар таҳлил қилинар экан, бу олимларимизнинг шахс эркинлиги масаласида ўзгача фикр юритганлигини гувоҳи бўламиз. Фалсафий фикр тарихидан маълумки, эркинлик, аввало, шахснинг танлов эркинлиги асосида юзага келади ва унда сабабий боғланишлар устиворлик қилади, деган тамойил устивор эди. Шу маънода, тарихчи олим Г.П.Федотов “Эркинлик бу аввало яшаш имконияти, ҳеч қандай боғланишлардан, ижтимоий асоратлардан тортинмай яшамоқликдир” деган эди. Бизнингча, инсоннинг эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, қобилиятларини намоён этишга, ижод этишга уриниши – унинг маънавий эҳтиёжидир. Ушбу мулоҳазаларда, муайян мантикий алоқадорлик бор. Бу алоқадорлик шахс мустақиллиги, эркин фикр ва тафаккури билан боғлиқ бўлиб, эркинлик инсон руҳий оламининг муайян даражадаги маҳсули эканлигини ҳам англатади. Бинобарин, собиқ

коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида инсоннинг ирода эркинлиги, унинг руҳий олами билан боғлиқ эркинликлар хусусида илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш шахс эркинлигини унинг руҳий оламини ўрганиш асосида талқин қилиш анча мушкул иш эди.

Аммо ушбу фикрдан инсонда мутлоқ танлаш имконияти йўқ экан деган хулосага келмаслик керак. Зеро, ҳар қандай ижодкорлик замирида ҳам муайян танлов эркинлиги туради, муаммо шундаки, ана шу эркинликни инсон руҳий оламидаги кечинмалар билан боғлаб ўрганишдадир.

Худди шунинг учун ҳам шахс жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий ва ҳукукий нормаларга, қонун-қоидаларга ўз ихтиёрлари билан амал қилмоқлари даркор. Ушбу масалада ҳам ижтимоий фалсафий фикр тарихида эътиборли, муайян даражада илмий асосланган ғоялар мавжуд. Биз бундай илғор ғояларни яқин ўтмишга дахлдор Ғарб мутафаккирлари ва Ўрта асрлардаги Марказий Осиё алломалари қарашларида ҳам учратамиз. Жумладан, З.Фрейд “Либи́до – хоҳиш-истак жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатади, деган ғояниилгари суриб, инсоний майл, қизиқишлар ижтимоий тараққиёт суръатлари моҳияти ва мазмунини ташкил этиши” ни асослашга интилса, рус олими Н.Бердяев ижтимоий тараққиёт мавҳум тушунча бўлмасдан, ҳар қандай жамиятаъзоларининг камолот даражалари мажмуидан иборат эканлигини асослашга ҳаракат қилган. Улардан анча аввал яшаб ижод этган шарқ мутафаккири, Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий

подшоҳ ўз хизматига жалб этувчи кишиларга ҳам масъулият билан ёндошиши, зийрак, садоқатли одамларни олиши лозимлигини алоҳида уқтиради. Унинг замондоши Алишер навоий эса эса “Адолатли подшоҳ Ҳақ Таолонинг ҳалойикқа кўрсатган марҳаматидир, бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир”, - деб ёзади.

Умуман олганда шахс эркинлиги ва масъулиятининг шакллантириш омилларига оид қарашлар турли нуқтаи-назардан изоҳланган бўлса-да, уларнинг асосида уйғунлик шахс фаолиятига оид вазифалар билан белгиланганлигига амин бўламиз. Е.И.Кузьмина таъкидлашича, “Бундай вазифаларни амалга оширишда шахс фаолиятига таалукли барча руҳий ҳолатлар ҳисобга олинади”.

Одамлар хоҳиш ва эҳтирослари инсон яшаётган маданиятнинг етарлича қаттиқ тартиблари таъсирида шаклланади. Айнан маданият уларнинг қадрият йўналганликларини белгилайди. Билиш, мулоқот, муҳаббат ва эрк асосида инсон ҳайвоний инстинктлар доирасидан чиқади ва ўз ўрнини юксак ҳаётий қадриятлар ёрдамида аниқлайди. Бурч, яхшилик, кўркув, ғамхўрлик, эркинлик ва маъсуллик орқали у ўзининг инсоний сифатларини намоён қилади.

Шахс эркинлиги индивидуал сезги, субъектив эркинлик сифатида мақсадли танлов қилишдан бошланади, инсоннинг табиатан фаоллиги туфайли юқорироқ босқичларда мақсадга эришиш учун танланган воситаларни ишлатиб, муайян ҳатти-ҳаракатлар қилишда (объектив эркинликда) ўз ниҳоясига етади.

Шахс эркинлиги ва умуман эркинлик тушунчаси, унинг илмий-назарий таҳлили даврнинг ҳаётий масалалари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис ўта долзарб ечимини кутаётган масалалардан бирига айланган. Маълумки, инсон онгги ва фаолиятида содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларни ўрганиш, ўша жараёни ёки ҳолатни ифодаловчи, уни ўзида акс эттирувчи тушунчанинг моҳиятини билишдан бошланади.

Эркинлик тушунчаси ҳам, турган гапки инсон борлигининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи реал воқелик бўлиб, инсоннинг онгги ва фаолиятида кундалик ҳуқ - атворида, ҳатти-ҳаракатида намоён бўлади. Инсон онгги ва фаолиятининг ўзига хос кўриниш бўлган бундай мураккаб феномен моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш учун энг аввало, эркинлик тушунчасининг маъноси ва мазмунини аниқлаб олиш зарур.

Эркинлик тушунчасининг фалсафий талқини энг қадимги даврларданок зиддиятли қарама - қарши фикрлар асосида изоҳланган. Масалан, Европанинг машҳур мутафаккирларидан бири Л.Гольбах «Инсон бутун ҳаёти давомида бирон бир дақиқа эркин бўлмайди» деб ёзган бўлса, Ж.П.Сартр эса «Биз ҳар соҳада эркинмиз, биз эркинликка ҳукм қилинганмиз» деган фикрга таянади. И.Кант фикрича, “Эркинлик амалдаги ахлоқий қонуннинг ишонч ёрлиғи орқали мавжуд бўлади”. Файласуфнинг айнан шу таърифидан индивидуалликни тушунишнинг калитини топиш мумкин. Жамиятда одамлар орасидаги муносабатларнинг индивидуаллашиб бориши жараёнлари амалдаги умум яшаш нормалари (бурчлар, касбий иқтидорлар, ҳуқуқ) ва уларнинг модификациялари билан шартлашган бўлади. Индивид бурчларга мослашган бўлади, иқтидор ўзида инсон индивидуаллигини гавдалантиради, ҳуқуқ эса шахс мақомини кафолатлайди. Ҳаёт дунёсининг саналган учта инсоний сифати ўзаро боғланган ва унинг чегаравий асосларини ташкил қилади.

Кўзга кўринган иррационалистлар, «Фанлар танқидчилари С.Кьеркор, Г.Маркуз, К.Ясперс «билимларнинг бойитиши, вақт соати билан ақлни ўсиб бориши, рационализм инсонни эркинликка ипсиз боғланиб қолишини чеклайди» деб тушунтирадilar.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эркинлик муаммоси ҳақиқатда ҳам зиддиятли, ҳамда турфа хил нуқтаи назардан қаралган ижтимоий фалсафий категориядир. Эркинликка на фақат ижтимоий фалсафий балки тарихий нуқтаи назардан қаралганда ҳам зиддиятли фикрлар талқинига дуч келамиз. Бинобарин, эркинлик тушунчасини маъно жиҳатдан турфа хил бўлиши унинг инсоният тафаккури тараққиёти, кишилиқ жамияти тарихининг ривожланиши хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бир сўз билан айтганда **эркинлик**,

тарихийлик, ижтимоийлик, индивидуаллик каби категориял мезоний тушунчаларнинг ўзаро муштарақлиги маҳсулидир. Энг умумий тарзда олганда эркинлик – бу тайзиқ ва чеклашларнинг йўқлиги, ундан ҳоли бўлишдир.

Н.А.Бердяев ижодини тадқиқ этган А.А.Ермичев: Н.А.Бердяев “Эркинлик инсоннинг ички энергиясидир”, - деб ёзганлигини қайд этади. Худди шу энергия ёрдамида инсон мутлоқ янги турмуш қуриши янги жамият, янги дунё барпо этиши мумкин. Лекин эркинликни қандайдир ички сабаб туфайли содир бўлади деб тушуниш ҳам тўғри эмас. Чунки эркинлик сабабли боғланишлардан ташқарида вужудга келади. Сабабли боғланишлар объектив оламнинг турли феноменлари ўртасида рўй беради. Эркинлик эса оламда содир этилган бурилишдир. Унинг фикрича, эркинлик инсонга берилган танлаш ва саралаш имконияти эмас, балки ижодкорликдир. Яъни аввал мавжуд бўлмаган нарсани яратишдир. Н.А.Бердяевнинг экзистенциал концепциясига кўра, инсон эркинлигини ижодкорликдан, бунёдкорликдан ажратиш мумкин эмас. Эркинлик, ижодкорлик, бунёдкорлик бири иккинчиси билан диалектик алоқадорликда содир бўлади. Эркинлик йўқни бор қилувчи қудратдир. Инсоннинг нафақат табиий оламини, хатто ўзини ўзи қайта қуриш қувватидир.

Аммо айрим олимларнинг нуқтаи назарича инсон эркинлигига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив шарт-шароитлардан кўра мазкур омилларнинг антиподи бўлган эркинликни фақат жонсиз моддий омилларни ҳаракатига дахлдор тушунча сифатида қараш устиворлик қилади.

Аммо шу нарсани унутмаслик керак-ки, ҳар қандай эркинлик замирида шахс мустақиллиги билан бир қаторда унинг масъулияти ҳам туриши зарур, акс ҳолда эркинлик кўнгилга келган ишни қилиш, такасалтанглик, лоқайдлик муносабатларини юзага келтиради.

С.Л.Франкнинг қуйидаги фикрлари биз юритаётган мулоҳазани тасдиқлашга имкон беради. «Фикрсиз, мақсадсиз, ўтаётган дақиқалар устидан ўз ҳукмини ўтказишга уриниб тентираб юрган киши эркинми? ёки маънавий фаолиятсиз, маънавий қашшоқликни нималарга олиб келиши мумкинлигини билмаган одам эркинми?». С.Л.Франк ўз фикрини асослаб «Аравакаш эркинми – ҳа, эркин», чунки у қайси йўналишда ҳаракат қилиш қай мақсадни амалга оширишни мушоҳада қилаётганда манфаатдорликни (яъни кира ҳақини) назарда тутди. Ана шу маънода у ўз фаолиятида эркиндир, – деб ёзади.

Аммо бу мулоҳазани тўғри фикр деб бўлмайди. Чунки аравакашни эрки буюртмачи ихтиёрида эканлигини ҳам унутмаслик керак. Демак, ҳар қандай тафаккурга асосланган инсоний фаолият том маънода мукамал эркинликни намоён қила олмайди.

Инсондаги ирода эркинлиги А.Шопенгауэр ёзганидек, жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий эркинлик билан уйғун ҳолда шаклланади».

Ахлоқий қоидага кўра «Бир кишининг эркинлиги бошқаларнинг эркинлиги билан чегараланади» деган шахсий ахлоқий вазифа белгиланади, яъни «Мен ўз бурчимни бажармоқ, бошқалар фаровонлигини таъминламоқ учун уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ ҳақида бошқаларга нисбатан адолатсизликка йўл қўймаслик учун ўз истак ва майлларимни чегаралайман» деган ахлоқий меъёрга амал қилинади.

Юқоридаги фикрлар заминиди эркинликнинг маънавий асоси гуманистик моҳияти сифатида адолат, ҳалоллик ҳамда ҳамжиҳатликка жиддий қаралган. Инсоний муносабатлар тизимидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллаб - қувватлаш асосида ҳар бир шахснинг ўз эрки ва фаолияти ҳам мукаммаллашиб боради. Бинобарин, эркинлик танлаш, саралаш учун имконият мавжуд бўлган жойда вужудга келади. Бошқача айтганда инсон ўз мақсадига эришиши учун ҳаётда вужудга келган турли-туман мураккаб вазиятлардан чиқиш йўллари, воситалари, ҳатти-ҳаракат ҳуқ-атвор мезонларини танлаш жараёнида ўзини эркин эмаслигини яққол намоён қилади. Вазиятдан чиқиш йўлларини танлашнинг объектив асоси шарт-шароит ва имкониятларнинг турли-туманлигидадир. Ана шундай турли-туманликларнинг доимо ҳаракатда бўлиб туриши натижасида имконият воқеликка айланади. Имкониятнинг воқеликка айланиши учун вазиятни танлай билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин вазиятни танлаш бу эркинлик эмас, балки унинг вужудга келиши, эркин фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитдир.

Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий ёзганидек, «ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий дажарадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади». Бу эҳтиёж шахс эркинлигини объектив асосидир. Айни пайтда шахснинг мақсадга мувофиқ фаолияти жараёнида унинг эркинлиги иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ҳам намоён бўлади, у турли босқичларни-эркинликни субъектив англаб олишдан тортиб, то уни объектив амалга оширишга бўлган босқичларни босиб ўтади.

Чунончи, шахс ўз фаолияти мақсадини илгаридан белгилаб олиш имкониятига ҳам эга. Чунки ҳар қандай аниқ вазиятда ҳам бир нечта имкониятлар мавжуд бўлади. Бундай бўлмаган шароитларда, яъни оқилона муқобиллик етишмай турганда ҳам шахс ўз эркинлиги доирасида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ўзини четга олади. Шу ўринда муҳим бир ҳақиқатни унитмаслик керак, эркинликни вужудга келтирадиган имкониятлари баъзи ҳолларда жамиятдаги муҳит таъсирида ижобий ҳислат ва фазилатларни кишиларда шакллантириш ўрнига кўп ҳолларда маънавий бузилишлар,

«эркинлик» тушунчаси замиридаги ўзбошимчаликларни ҳам юзага келтиради. Демак, жамият ҳаётида йиллар давомида йиғилган муаммолар ҳал этилмаганлиги боис унда юзага келган инқироз кишиларнинг маънавий ҳаётига бевосита таъсир этади. Жамият ҳаётидаги маънавий ўпирилишларнинг сабабини айрим шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг йўл қўйган хатоларидангина эмас, балки мавжуд ижтимоий сиёсий тузумларнинг моҳиятидан ҳам изламоқ керак. Жамият ва шахс ҳаётидаги маънавий ўпирилишлар бир-бирини тақозо этувч жараёндир. Жамият ҳаётидаги ҳар бир салбий ҳолат эркинликни рўёбга чиқишига қайсидир маънода ҳалакит беради.

Яқин ўтмишимиздаги, мулкка муносабат собиқ иттифоқни барча соҳаларни давлатлаштириш сиёсатининг аянчли оқибатлари фикримизга далилдир.

Инсоннинг ишлаш ва фикрлаш имкониятлари сунъий, сиёсий йўллар билан чекланди. Авторитар ғояларга устиворлик бериш инсон эркинлигини иродасини бузади, унинг ўз кучига ақл-идрокига ишончини заифлаштиради.

Айнан ғоя ва мафкура инсон идроки руҳияти фаолияти даражаси ҳамда эркинлигига сезиларли таъсир ўтказди. Худди ана шу сабабли мустабид тузумда оммага мафкуравий жиҳатдан «ишлов» беришга ғоят катта эътибор берилиб мазкур ғояни тарғибот қилувчи «машина» учун улкан маблағлар сарф этилган.

Инсоннинг шахсий ва ижтимоий маънодаги эркинлигига мафкуравий таъсир ўтказиб турилган. Инсон ҳар ишда ирода эркинлигига эга бўлмаса, ҳаётда оқилона, мустақил йўл излашга ҳам қодир бўлмай қолади, унинг эътиқоди ҳам заифлашади, бирор ишни қилишда иккиланиш, ишончсизлик кайфиятлари кучаяди. Агар инсон зўравонлик, тайзик таъсирида бўлса, ўз эътиқоди ҳаётий мақсадларини ҳам очиқ ифода эта олмай қолади. Тазйик ва таъқиб йўли билан кишиларни ахлоқий камолот йўлидан олиб бориш мумкин эмас. Бурч ва масъулиятни англаш виждон эркинлиги билан боғлангандагина ахлоқий камолотга асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эркинлик ўзининг субъектив ва объектив ифдаланиши ички ва ташқи томонларнинг хусусиятлари билан ҳам уйғун ҳолда намоён бўлади. Шахс эркинлигининг ички томони тузилишига кўра анча мураккаб бўлган, асосий унсурлари сифатида мақсад ва воситаларни танлаш, амалга ошириш учун зарур бўлган вазиятларни билишни, бу билинган, ўзлаштирилган ташқи заруриятни ички эътиқод билан мувофиқлаштириб олиш ва ниҳоят, ўзлигини тўла намоён этиш кабиларни ўз ичига олади. Булар алоҳида олинганда ҳам, биргаликда олинганда ҳам нисбий мустақил тарзда мавжуддир.

Юқоридаги мулоҳазаларни таҳлил қилиш асосида эркинлик категориясига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Эркинлик - инсондаги тафаккур, мушоҳада уйғунлигини ижтимоий амалиёт билан боғланган унинг майл ҳамда истакларни рўёбга чиқаришдаги ижодий яратувчилик ўз олдига қўйган мақсади, муддаоларини амалга оширишдаги эҳтиёжи билан алоқадор бўлган ҳаётий зарурият бўлиб, у ижтимоийликнинг ҳосиласидир.

Эркинлик асосида шахс амалий фаолияти рўёбга чиқадиган муайян жараён ҳодисаларга нисбатан унинг мустақил фикри қатъий ҳулосаси ҳамда қарашлари юзага келади. Зеро, инсон эркинлиги унинг маъсулияти билан ҳам бевосита боғлиқ.

Эркинлик ва маъсулият инсон бир бутун онгли фаолиятнинг икки томонидир. Ю.А.Косолапов фикрларига уйғун ҳолда С.А.Левицкий ҳам ўз муносабатини билдириб, “Эркинлик тўғри англаш орқали шахсда маъсулият ҳисси кучайиб боради, бу жараён эса унинг ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган мураккабликларни ҳал этишдаги иштирокини тобора фаоллашувига олиб келади” деган ҳулосага келади.

Объектив заруриятга асосланиб эркин фаолият кўрсатаётган инсонга бир вақтнинг ўзида, унинг ҳуқ-атвори, ҳатти-ҳаракати учун жамият олдидagi маъсулият туйғусини шакллантириш мумкин. Маъсулият ижтимоий онгнинг қай даражада ривожланганлиги, ижтимоий муносабатлар ҳолати, жамиятда фаолият кўрсатаётган ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотларининг иши билан боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам, мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган ҳозирги шароитда инсон эркинлиги ва маъсулиятини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тажриба шундан далолат бермоқдаки, инсон эркинлиги ва маъсулиятини уйғунлаштиришда ижтимоий институтлар қонун талабларига таянсалар, жамоат бирлашмалари одоб-ахлоқ нормаларига, жамоатчилик фикрига суянмоқдалар. Ана шу маънода инсон эркинлиги ва маъсулиятини уйғунлаштириш жараёнини жадаллаштириш жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий барқарор алоқа ўрнатилишини тақозо этмоқда.

Инсонпарвар демократик жамият қурилиши авж олган янги Ўзбекистон шароитида инсон эркинлиги ва маъсулиятини уйғунлаштириш жараёнига демократик маданиятнинг пастиги тўсиқ бўлмоқда.

Демократик маданият шубҳасиз, жамият аъзоларининг маълумот даражаси, маданий-маънавий, айниқса, сиёсий савияси билан боғлиқ. Афсуски, мамлакатимиз фуқароларида демократик маданият ўта секинлик билан шаклланимоқда. Айрим ҳолларда демократик тамойилларга риоя қилишда бирёқламачилик содир бўлмоқда. Демократик тамойилларнинг мамлакатимиз фуқаролари турмуш тарзига секинлик билан кириб бораётганлиги халқни, миллатни давлат билан боғлаб турган энг муҳим халқа – жамиятнинг ижтимоий институтлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари ва усуллари излаб топиш зарур. Бошқача

айтганда жамиятнинг оддий фуқаросидан тортиб, раҳбар ходимига қадар давлат, жамият ва халқ олдидаги ўзининг шахсий ва ижтимоий маъсулиятини мукаммал англаши ҳамда унга қатъий амал қилиш туйғусини ҳар бир шахс қалби, онгига сингдириш муҳим вазифадир

Маъсулият масаласига бу қадар жиддий эътибор берилишининг боиси бор албатта, чунки жамиятдаги ҳар қандай демократик ўзгаришлар, сиёсий ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги муаммолар ечими, сиёсий янгиланиш ҳамда маънавий ҳаёт соҳаларидаги ўзаро таъсир ва алоқалар аввало алоҳида шахс, оила, жамоа, давлат ва жамият ҳаётида фаолият кўрсатадиган инсоннинг амалий фаолияти билан боғлиқ экан, маънавият ҳамда фаолият ўртасида маъсулиятга муносабат ва эҳтиёж доимо сақланиб қолади.

ХУЛОСА

Тадқиқотдан қуйидагича илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, шахс ижтимоий-тарихий тараққиёт, ижтимоий-тарихий фаолият маҳсули, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида муайян эркинликка таянар экан, ана шу эркинликни ўзида ҳам шахсий, ҳам ижтимоий маъсулиятни ҳис қилиб яшамоғи зарур.

Иккинчидан, мустақиллик жамиятимиз фуқароларига эркинликнинг катта имкониятларини яратиб берди. Кишиларимиз фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан қутилиш, ўз сўзи, ўз овози ва энг муҳими ўз фикри билан иш тутиш, реал воқеликдаги ҳодисаларга ҳеч иккиланмай муносабат билдириш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Учинчидан, истиқлол шарофати билан ҳар бир кишининг эмин-эркин ривожланиши, миллий қадриятлар, ҳалқимизнинг ажойиб удум ҳамда таомиллари асосида озод ва эркин мустақил дунёқарашга эга бўлган шахсни тарбиялаш, уни маънавий камолоти учун ғамхўрлик қилиш давлат ва жамият ҳаётидаги устивор вазифага айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Столяров А. А. Стоя и стоицизм. М., 1995.- 445 с
2. Федотов. Г. П. Россия и свобода (Судьба и грехи России) СПб: 1992. - 286 с.
3. Фрейд З. Методика и техника психоанализа. – М: Госиздат, 1993. - С. 47.
4. Бердяев Н. Смысл истории. – М: Мысль, 1990. - С. 71.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т: Университет нашриёти, 1999. - 82-б.
6. Фаробий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 186 б.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. - Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 36-37 б.

8. Кузьмина Е.И. Рефлексивно-деятельностный анализ феномена свободы личности: Дис. ... д-ра психол. наук: 19.00.01: Москва, 1999. - 459 с.
9. Столяров А.А. Августин: Жизнь. Учение // Августин Аврелий. Исповедь. - М., 1991.
10. Беруний А.Р. Турар жойлар [орасидаги] масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш [Геодезия] // Танланган асарлар. III жилд.-Т.: Фан, 1982. - 83 б.
11. Наср С.Х. Исломда илм-фан ва цивилизация. – АҚШ; Гарвард, 2002. - 38 с.
12. Саъдуддин Тафтазоний. Тавзух, Талвеҳ (тош босма, 1883 й.).
13. Гольбах. П. Избранные произведения. В. 2 т. – М: 1983. - 20 с.
14. Бычков И.В. В лабиринтах свободы. – М: 1976.
15. Иммануил Кант. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н. Лосского сверен и отредактирован Ц. Г. Арзаканяном и М. И. Иткиным; Примеч. Ц. Г. Арзаканяна. — М.: Эксмо, 2007. — 736 с.
16. Коссак Е. Экзистенциализм в философии и литературе. - М.: Политиздат, 1980. - 360 с.
17. Ермичев А.А. Три свободы Николая Бердяева. М.: Знание, 1990.
18. Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. - М, 1995. - 305 с.
19. Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества. М., 1989, с-370.
20. Франк С.Л. Предмет знания. Душа человека. Мн.: "Харвест" – М.: "АСТ", 2000. с. 631.
21. Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. – М.: Республика, 1992. - 46 с.
22. Калмыков Р.Б. Анатомия свободы. – М.: - Иваново Иван. гос. ун-т, 1995. – 20 с.
23. Косолапов Ю.А. Чувство взрослости и соотношение личности. Монография. Липецк 2005г. 118 с.
24. Левицкий С.А. Свобода и ответственность. – М: Посев, 2003. 464 с.
25. Чориев А. Инсон фалсафаси - мустақил шахс. II. – Т: Чинор , 2002. - 248 б.